SHU AZIZ VATAN BARCHAMIZNIKI!

ISTIQBOL

№ 31
(6183)
2025-yil
8-avgust
Juma

Gazetaning QR-kodi
www.zangiota-istiqbol.uz

Zangiota tumani hokimligi ijtimoiy-siyosiy gazetasi ▌ 1934-yil 10-iyuldan chiqa boshlagan

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!



ИСТИҚЛОЛДАН ЧАРОҒОН МАҲАЛЛА

Пахсадан қурилган пастқам-пастқам уйлар, ёғингарчиликлар мавсумида лой, ёзнинг жазирамасида тупроққа айланган, от, эшакарава ёки колхознинг юк машинаси ўтиб қолса, кўчанинг кўкка ўрлаган, ён-атрофга таралган чангидан қочишга жой тополмай қолган лаҳзалар... Қиш бўйи қишлоқнинг икки-уч жойида кавланган ҳовуздан сув ташиб ичишлар... Печкага ўтин, кўмир қалаб уйларни иситишлар, лахча чўғдан ялтираган танча атрофидаги китоб ўқиб, эртак тинглашлар, тандирда нон ёпиб, ўчоқда таом тайёрлашлар...

3



Яхши инсон
ўзидан бахт,
Ёмон инсон
ўзидан тажриба,
Хатокор инсон
ўзидан дарс,
Мукаммал инсон
ўзидан
из қолдиради...

Мавлоно РУМИЙ



► *Техникум ва олий таълим*

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз учун муҳим ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалиги соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш эса катта масъулиятни касб этади. Мутахассислик фанларни ўқитишда профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳорати мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим ўринлардан бири ҳисобланади.

4



Кўнглим талпинадиган маскан

► *Маънавият*

Кутубхона мен учун салкам қирқ йилдан буён кўнгил талпинадиган, қадамлар ошиқадиган иссиқ маскандир. Ҳар куни ишхонамга кириб борарканман, китобларга соғинч билан боқаман. Эҳ-ҳе, уларни неча марталабдан ўқиб чиқмаганман... Ҳар бир китобни қўлимга олганимда гўёки хазина топиб олгандек қувонаман, соғинч билан варақлай бошлайман.

Бундоқ ўйлаб қарасам, бу табаррук масканнинг ташкил этилганига ҳам 55 йилдан ошибди.

5



ISTIQBOL

2025-yil 8-avgust / Juma / № 31 (6183)

ЙИҒИЛИШ ТАҲЛИЛИЙ, ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ

Куз эшик қоқмоқда. Қиш тадоригини ёзда кўр деганларидек, туманда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда? Коммунал ташкилотларининг бу борада ёрдами қандай бўлаяпти ва уларда юзага келган дибитор қарздорликларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўрилмоқда? Туманда қурилаётган ва фойдаланишга топширилаётган кўп қаватли уйлар, камбағалликни қисқартириш , ижро интизоми, жисмоний ва юридик шахслардан келаётган мурожаатлар қай тарзда ечим топаяпти?

► *Туман ҳокимлигида*

Шу каби масалалар яқинда туман ҳокимлиги мажлислар залида ўтказилган ҳокимлик соатида атрофлича ўрганилди, муҳокама этилди.

Зангиота тумани ҳокими Эркин Рустамов бошчилигида ўтказилган мазкур ҳокимлик соатида туман прокурори Алишер Жўраев, туман ДСИ раҳбари Давлат Сулаймонов, ҳокимликнинг маъмурий бошқарув ходимлари ҳамда туман корхона ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ҳолати юзасидан туман ҳокимининг ўринбосари С.Носиров, коммунал ташкилотларда юзага келган дебитор қарздорликлар ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича туман ҳокимининг ўринбосари А.Инагамов, Осиё Тараққиёт Банки иштирокида амалга оширилаётган сув таъминоти ва канализация тизимлари лойиҳасининг тумандаги ижроси юзасидан “Тошкент вилояти сув таъминоти” АЖ Зангиота тумани филиали раҳбари Б. Ташматов, туманда кўп квартирали уйлар қурилиши ва фойдаланишга топширилиши ҳолати бўйича Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Б. Ғофуровларнинг ҳисоботи тингланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари ижроси юзасидан Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиғи А.Нишанов, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ижроси ҳақида ҳокимлик Умумий бўлими мудири Г. Эргашева, Президент, ҳукумат, вилоят ва туман ҳокимлари томонидан берилган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан ҳокимлик ижро интизоми бўйича бош мутахассис Д.Сейдаҳмедовлар ҳисобот бердилар.

Мутасаддилар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар атрофлича кўриб чиқилиб муҳокама этилди.

– Менга Осиё Тараққиёт Банки иштирокида амалга оширилаётган сув таъминоти ва канализация тизимлари лойиҳасининг тумандаги ижросининг кечикаётгани ёқмаяпти, – деди туман раҳбари, – бир неча марта шартнома муддатини узайтирдик, энди бизга жараён, баҳоналар эмас, одамларнинг уйига сув кириб боргани қизиқ!

Йиғилишда соҳаларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди. Ишга масъулият билан ёндашиш, айниқса, ортида инсон тақдири турадиган мурожаатларга ўз вақтида ижобий ечим топиш даркорлиги таъкидланди.

Йиғилиш якунида туман ҳокими мутасаддиларга аниқланган муаммоларни бартараф этиш, мавсумий тайёргарлик ишларини жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Д.ШАРИПОВА.

Яқинда Нурафшон шаҳридаги Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимида “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.



► *Тақдимот*

МАТБУОТ ТАРИХИ – УЙҒОНИШ ДАВРИ ТАРИХИНИНГ БИР БЎЛАГИДИР

Унда Тошкент вилоятидаги газеталар таҳририятларининг бош муҳаррирлари, ижод қилаётган журналистлар, қалам аҳли вакиллари ва китобхонлар иштирок этди.

Тақдимот тадбирини Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев олиб борди ва китобга киритилган Тошкент вилояти журналистлари ҳақида батафсил маълумотлар берди.

Тадбирда “Машъал” газетаси бош муҳаррири Отабек Исроилов китобнинг мазмун-моҳияти, бўлимлари мазмуни ҳақида ўз фикрларини билдирди. Шунингдек, АОКА вилоят бошқармаси бошлиғи Шаҳбоз Низомиддинов, “Тошкент ҳақиқати” газетаси бўлим мудири Тўхтамурод Хасанбоев ва бошқа ижодкорлар янги китобнинг аҳамияти ҳақида сўзладилар ҳамда китобдан самарали фойдаланиш борасида ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Тадбир якунида тақдимот иштирокчиларига янги китоблар тақдим этилди.

Ўз мухбиримиз.



БАРЧА ЁШЛАРГА НАМУНА

18 ёшли Жасурбек Умаров – Зангиота туман ихтисослаштирилган мактаби битирувчиси, билимга чанқоқ, ватанпарвар ва кучли иродали ёшларимиздан бири. У бугун нафақат ўз тенгдошларига, балки бутун тумандаги ёшларга намуна бўла оладиган даражага етди.

► *Фахр*

Жасурбек Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати фаол иштирокчиси сифатида республика миқёсида тан олинган. Унинг бу ҳаракатдаги фаол иштироки туфайли олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаган балига 5 фоиз қўшимча балл берилди.

Шу билан бирга, Жасурбек 2025 йилда ўтказилган “Robo-Coding” олимпиадасининг вилоят босқичида Зангиота тумани номидан иштирок этиб, 3-ўринни эгаллади. У мунтазам спорт тўгаракларида қатнашади, бўш вақтларида эса бадиий китоблар ўқиш ҳамда роботларни бошқариш учун дастурлар ёзиш билан шуғулланади. Юксак технологияларга бўлган қизиқиши уни фақат ҳарбий йўналишда эмас, балки замонавий муҳандислик ва дастурлаш соҳаларида ҳам етакчиликка чорламоқда.

Шунингдек, Зангиота тумани ихтисослаштирилган мактабининг яна бир битирувчиси – Камронбек Абдиғаффоров ҳам 2025 йилги ОТМга кириш имтиҳонларида энг юқори – 189 балл тўплаб, илмга чанқоқ ёшларнинг чинакам фахрига айланди. У барча саволларга тўғри жавоб бериб, Президент гранти стипендиясига тўғридан-тўғри даъвогар бўлиб турибди.

Зангиота тумани ёшлари – бизнинг фахримиз. Улар илмда, технологияда, спортда ва ватанпарварликда ҳамиша олдинда. Жасурбек ва Камронбек каби ёшларимиз ҳар бир ота-онанинг орзуси, ҳар бир мактабнинг фахри, ҳар бир юртдошнинг ифтихоридир. Бундай ёшларга қараб, келажагимизга ишонч билан қараймиз.

Ирода АБДАЗИМОВА.

ҲАЛОЛЛИК, САДОҚАТ ВА МЕҲР-ОҚИБАТ БИЛАН

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ижтимоий соҳа ходимларининг ўрни беқиёсдир. Туманимизнинг “Маданият” маҳалласида фаолият юритаётган ижтимоий ходим Воҳиджон Юнусов айнан мана шундай фидойилиги, ҳалоллиги ва инсонпарварлиги билан ажралиб туради.

► *Ижтимоий ҳимоя*

Айни пайтда маҳаллада 45 нафар фуқаро Ижтимоий ҳимоя ягона реестрига киритилган бўлиб, уларнинг ҳар бири билан индивидуал тарзда ишланмоқда. Жумладан, жорий йилда 33 нафар эҳтиёжманд оила учун бола пули ажратилиши таъминланди. Шунингдек, 8 та оилага бир марталик моддий ёрдам пули олиб берилган бўлса, яна 8 нафар кам таъминланган оилага дори-дармон харид қилиш учун молиявий кўмак кўрсатилди.

Аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида ҳам Воҳиджон Юнусовнинг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Болаликдан ногирон бўлган бир фуқаронинг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида уйини таъмирлаш учун 10 миллион сўм маблағ ажратилишига кўмаклашилди. Йиллар давомида ногиронлик гувоҳномасини ололмай сарсон юрган 58 ёшли аёлнинг муаммоси ҳал қилиниб, унинг ҳужжатлари расмийлаштирилди. Шунингдек, 65 ёшга кирган, бироқ узоқ йиллар давомида нафақа ололмаган аёлга ижтимоий нафақа расмийлаштириб берилди.

Бундан ташқари, 2-группа ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парваришига муҳтож бўлган Виктор Норматов доимий равишда ижтимоий ёрдам билан таъминлаб келинмоқда. Маҳалладаги барча 45 нафар эҳтиёжманд фуқаролар Воҳиджон Юнусов бошчилигида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Улар орасидан 6 нафар фуқаро Республика



шифохоналарида бепул даволаниш учун йўлланма олди.

Воҳиджон Юнусовнинг эътиборидан ҳеч бир масала четда қолмайди. Ногиронлиги бўлган фуқароларнинг спорт билан шуғулланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, спорт мактабларига йўлланмалар берилмоқда. Хусусан, 18 январь куни Нурилло Ҳакимов ногиронлиги бўлган, аммо иқтидорли ёш спорт мактабидаги пара камондон ўқ отиш йўналишига йўналтирилди. Унинг меҳнатлари самара бериб, Нурилло апрель ойида ўтказилган Республика мусобақасида 3-ўринни эгаллади. Айни пайтда бу йигит спортдаги ютуқлари сабаб олий ўқув юртида давлат гранти асосида таҳсил олмоқда.

Воҳиджон Юнусовнинг ҳалоллик, садоқат ва меҳр-оқибат билан йўғрилган фаолияти бугунги кунда кўплаб ходимлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизда шундай виждонли, фидойи ходимлар кўпайса, ижтимоий тенглик ва адолатнинг бардавом бўлиши шубҳасиздир.

Ирода АБДАЗИМОВА

ISTIQBOL
2025-yil 8-avgust / Juma / № 31 (6183)

ИСТИҚЛОЛДАН ЧАРОҒОН МАҲАЛЛА



Бундан 50-60 йил аввал наинки “Далигузар”, балки Қатортол қишлоғидаги бошқа маҳаллалар ҳам ана шундай кўринишда эди. Бутун бир қишлоқда битта магазин, битта мед. пункт, кичкинагина мактаб бўларди. Бора-бора бу манзаралар ортда қола бошлади. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳаётимиз тубдан ўзгарди. Пахса деворли пастқам уйлар ўрнида пишган ғиштдан қурилган замонавий уйлар қад ростлади. Газ, тоза ичимлик суви кирмаган хонадон қолмади, ички кўчаларгача асфальт қилинди. Дўконлар-у, хизмат кўрсатиш шахобчаларининг саноғи йўқ. Ўтмишда фақат деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган одамлар эндиликда тадбиркорликнинг ҳам этагидан тутишиб, ҳаётларини янада фаровон қилиш йўлида ҳаракат қилишмоқда.

Бугунги кунда маҳалланинг 2253 нафар аҳолиси 350 та хонадонда истиқомат қилмоқда. Маҳаллада ишсизлар йўқ. Уйда бекорчи ўтирган эркакни ҳам, йигитни ҳам учратмайсиз. 40 та эҳтиёжманд оилаларга керакли ёрдамлар кўрсатилмоқда. Берилган ёрдамлар, ишга жойлаштириш, тадбиркорликка йўналтиришлар орқали 15 та оила камбағалликдан чиқарилди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Холида Охунованинг айтишича, энг камбағал деб топилган 4 та оила маҳалладаги новвойхона, сартарошхоналарга бириктирилган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Бу борада ҳоким ёрдамчиси Зафар Зокиржоновнинг хизматларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Бу йил у оилаларни ўрганиб чиқиши натижасида уч нафар фуқаронинг ёрдамга мухтожлигини аниқлади ва уларнинг имтиёзли кредит олишларига кўмаклашди. Умуман, ўтган йиллар мобайнида имтиёзли кредит олиб, ишларини йўлга қўйиб олган фуқаролар сони 40 нафардан ортди.

Маҳаллада бекорчи одамнинг ўзи йўқ дедик. Қайси хонадонга кирманг, ҳамма ўз юмуши билан банд. Кимдир оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйиб олган бўлса, бошқаси томорқаси ортидан яхшигина даромад топмоқда. Қолганлар турли ташкилотларда ишлашмоқда, боғдорчилик, деҳқончилик билан шуғулланишмоқда.

ЯХШИ ЯШАШ ЯНАДА ЯХШИ

Машҳур бир кинофильм қаҳрамонларининг шундай гаплари бор: “Яшаш яхши. Яхши яшаш янада яхши. Яша!” Тўра Отахожиев хонадонига кириб борганимизда ҳаёлимиздан шу гаплар кечди. Ҳа, яхши яшаш яхши, лекин бунинг учун меҳнат қилиш керак. Айнан ана шундай меҳнатсеварликни мазкур хонадонда кўрдик. Хонадон соҳиби Тўра иссиқхонасида бодринг палакларини ипга тараш билан машғул экан. Унинг турмуш ўртоғи Дилрабо эса эндигина буюртмага олган кўрпачанинг мағзини тикиб бўлган экан.

– Бу оиладагилар чинакамига меҳнаткаш, – дейди Холида Охунова. – Тўра аканинг суяги меҳнатда қотган, иссиқхонасидан чиқмайди, мол-ҳолига қарайди, Дилрабо эса маҳалланинг қўли гул чевари. У тиккан кўрпа-кўрпачаларни санъат асари дейсиз, бирортасидан айб тополмайсиз. Бу оилага 2 йил олдин 2 та тикув машинаси, битта оверлок олишлари учун банкдан имтиёзли кредит олишларига кўмаклашган эдик. Дилрабо меҳнатсеварлиги ортидан кредитни уч эмас, икки йилда ёпти. Келини Сарвинозни ҳам ёнига олиб, ўз ҳунарини унга ҳам ўргатаяпти.

Бу оиланинг 4 фарзанд, 7 невараси бор. Уч фарзанд оилали, кичиги 15 ёшда. Фарзандлар ҳам ота-оналари изидан бориб, меҳнатдан бўйин товламайдиган инсонлар бўлиб вояга етишган.

Боя айтганимиздек, оиланинг 1,8 сотих ерда иссиқхонаси бор. Бир йилда 4 марта ҳосил олишни йўлга қўйишган. Январь ойида редиска экишди, уни йиғиштириб олишгач, ўрнига помидор экишди. Помидор ҳосили ҳам кўнгилдагидек бўлди. Кейин экилган бодринг ҳам одам бўйидан баланд бўлиб қолди. Бодринг ҳосили йиғиштириб олингач, унинг ўрнини кашнич эгаллайди. Бу тариқа иссиқхона барака эшигини очаверади.

– Бодрингни сотмаймиз, – дейди Дилрабо. – Банкага маринадлайман, тузлайман. Кейинчалик бу маҳсулотларни сотамиз.

ТИКУВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Бу йил маҳаллада тикувчилик билан шуғулланадиганлар сафига яна бир тадбиркор келиб қўшилди. Бундан 6 ойча олдин Акром Маҳаммадиев хонадонларнинг бирида тикувчилик цехи очиб, 5 та ишчи ўрни яратди.

Бу ерда эркаклар кийимлари–футболка, шалвар, спорт кийимлари тикилмоқда. Маҳсулотлар эса Абу Сахий бозорида кўтарасига сотилаяпти.

– Мавсумбоп кийимлар тикишни йўлга қўйганмиз. – дейди Акром Маҳаммадиев. – Кунига 70-80 та кийим тикилмоқда.

ОНА ИЗИДАН

Маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг тирикчилик борасида ўз йўналиши бор. Моҳир ошпазлардан тортиб, новвойларгача бу ерда мужассам. Зулхумор Одилованинг патирлари-ю, сомсаларининг дараги ҳам туманга ёйилган. Уни излаб қўшни қишлоқлардан ҳам келишади.

– Болалигимда онам Муҳаббат опанинг ёпган нонларининг таъми ҳамон оғзимда, – дейди Зулҳумор. – У пайтларда қишлоқ марказида биттагина новвойхона бўларди. Кўпчилик уйда нон ёпарди. Онам чаққон эдилар, ёпган нонларини кўрган, таъмини тотган одам яна есам дерди. Кимдир тўйимга нон ёпиб беринг деб келса, сира ноумид қайтармасдилар. Нон ёпиб берардилар. Қўл ҳақини ҳам олмасдилар. Хуллас, нон ёпиш сирларини онамдан ўрганганман. Онамдек бўлолмасам ҳам ҳарҳолда ҳаракат қилиб буюртма асосида тўйларга катта-кичик патирлар, сомсалар ёпаман. Рўзғорга ҳарна мадор-да…

Онахоннинг иккала келини ҳам ишли. Ишдан қайтгач, буюртма бўлса қайнонасига бажонидил ёрдам беришади.

* * *

Ҳа, бу маҳалла ҳақида яна анча яхши гапларни айтиш, унинг олижаноб, суяги меҳнатда қотган инсонлари ҳақида узундан-узун ҳикоя қилиш мумкин. Бу ҳақда кейинги сафар...

Жамила АРСЛОНОВА,
Дилбар ШАРИПОВА.

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛЛАШМОҚДА



Халқ депутатлари Зангиота тумани Кенгаши депутатлари фаоллашмоқда. Улар маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиб, ечим излашдан тортиб ёшлар масалаларигача эътибор қаратишмоқда. Бу борада депутат Н.Муҳитдиновнинг фаолияти таҳсинга сазовор.

Н.Муҳитдинов ва "Ёшлар маслаҳат гуруҳи" аъзоси Н.Юсуфжоновалар ишчи гуруҳи таркибида "Намуна", " Бодомзор", "Қурилиш" ва бошқа бир қатор маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг фаолиятини ўрганиш жараёнларида иштирок этдилар.

Ўрганиш жараёнида асосий эътибор ёшларга оид давлат сиёсатининг жойлардаги ижроси: ёшлар таълими, бандлиги, фан, техника, спорт ва санъат соҳасида иқтидорларни ривожлантириш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларга қаратилди.

Бу каби ўрганишлар ёшлар етакчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этишга кўмаклашиш, ёшлар фаоллигини янада оширишга хизмат қилади.

Ж.АМИРОВА.

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА



Таълим соҳасида барча соҳалар каби инновацион ўзгаришлар даври бошланди. Билим, замонавий ахборот технологиялари ва аҳолининг яхши ўқишга бўлган талабларидаги оммавий инқилоблар туфайли бутун мамлакатимиз бўйлаб мактабгача таълим муассасаларидан маҳаллий ва хорижий университетларнинг филиалларигача аста-секинлик билан сифатли мутахассисларни тайёрлашга киришмоқдалар.

Билим бериш тизимида қўлланиладиган замонавий воситалар ва техникалар, ўқитувчининг хуқуқлари ва мажбуриятлари, ўқув дастурининг шакли ва мазмуни, янги стандартларни яратиш ва уларга амал қилинаётганлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқитувчилар талабаларга назарий ва амалий билим бериши учун доимий тажриба ошириб туришларини тақозо этади.

Бугунги кунда Тошкент давлат аграр университети ҳамда Зангиота агротехнологиялари техникумида қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи малакали мутахассисларни етказиб беришда ўз мутахассислиги бўйича ўз касбини яхши билган профессор-ўқитувчиларнинг маҳорати катта аҳамият касб этади. Педагог ўзи билими ва янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиб, ҳар бир

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

талабанинг ўзи танлаган мутахассислигини чуқур эгаллашига ҳиссасини қўшади. Ўз ўрнида, талабалар ҳам бунга интилиши, ҳаракат қилиши, ўз устида изланиши, соҳага оид интернет янгиликларидан хабардор бўлиши ҳамда хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши лозимки, зеро эгалланган билимлар келажак учун замин яратади. Университет ҳамда техникум битирувчилари, яъни қишлоқ хўжалиги мутахассислари билимли, малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган ходимлар бўлиб етишишлари давлатимизнинг равнақи учун ниҳоятда муҳим ўрин тутади.

Жумладан, ўқитиш жараёнида гуруҳларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтилиши талабаларда мавзуни яхши ўзлаштиришга, савол-жавобларнинг кўп бўлиши ҳамда талабанинг мустақил ишлашига имконият яратмоқда. (Европа мисолида: кичик гуруҳларда 10-12 нафар талаба). Таълим тизимдаги бундай ёндашув ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатни мустаҳкамлайди, талабаларнинг фанларга бўлган қизиқувчанлигини ошириб, кўникмалар пайдо бўлиши ва шахсий қобилиятларини намоён қилишга бевосита хизмат қилади.

Биз ўз қарашларимизда ҳозирда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларга қўйилаётган талаблардан, уларга ҳукумат даражасида яратилаётган имкониятларни ҳисобга олиб, профессор-ўқитувчиларнинг иш фаолиятида эга бўлиши керак бўлган касбий фаолиятидан иборат умумлашган моделни илгари сурдик. Аминмизки, бу ўзининг ижобий натижасини беради.

Магфура МУРОТОВА,
Зангиота агротехнологиялари техникуми директори.
Худайберди НАЗАРОВ,
ТошДАУ “Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги кафедраси доценти.

► *Суд залидан*

ГИЁҲВАНД МОДДА ОРТИДАН БОЙИМОҚЧИ ЭДИ

Ёши 30 дан ошган қашқадарёлик Зоҳир Шодиев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) олий маълумотли бўла туриб, гиёҳвандликнинг зарарини ҳаммадан ҳам яхши тушунган ҳолда мўмай пул топиш мақсадида қинғир йўлга кирди.

Бир неча йил аввал Россияга ишлаш учун борган Зоҳир ўша ерда тожикистонлик Андрей исмли киши билан танишиб қолади.

Зоҳир Андрейнинг гиёҳванд моддалар истеъмол қилишидан хабардор бўлиб қолгач ундан узоқлашиш ўрнига янада яқинлашади ва унга қўшилиб гиёҳванд модда истеъмол қила бошлайди.

Отасининг касал бўлиб қолганини эшитган Зоҳир ишини ташлаб Ўзбекистонга қайтади. Отасини даволатиш учун ишлаб топган барча пулларини сарфлайди. Лекин шунга қарамай отаси вафот этади. Шундан сўнг йигит тушкунликка тушиб қолади.

Жорий йилнинг январь ойи ўрталарида Андрей унга қўнғироқ қилиб, оилавий аҳволини сўрайди, сўнгра иш таклиф қилиб, яхши пул беришини айтади.

– Қанақа иш? – дея сўрайди Зоҳир қизиқиб.

– Мен айтган манзилдан “юк”ни бошқа манзилга олиб бориб берасан, шу билан бир-икки ой ичида 1300-1500 АҚШ доллари атрофида даромад топасан.

Пулга мухтож бўлиб юрган Зоҳир учун бу таклиф айни муддао бўлди. 11 февраль куни Андрейнинг кўрсатмасига асосан телеграм рақамига яширин юборилган локация бўйича Сурхондарё вилояти Денов туманидаги дала майдонига боради. Даланинг четидаги қумтепани кавлаб, бир дона рангсиз полимер пакетга ўралган гашиш гиёҳванд моддасини олади.

Андрейдан буни нима қилишини сўрайди.

– Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги мен айтган манзилга олиб бориб яшириб кет, хизмат ҳаққинг бўлган 500 АҚШ долларини пластик картангга тушириб бераман, – дейди Андрей.

Зоҳир мазкур моддани ички кийимига яшириб, айтилган манзилга етказиб бериш мақсадида йўлга тушади. Шу куни у соат 18:00 лар атрофида Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани ҳудудидаги Тошкент шаҳрига қатновчи машиналар олдига келиб, “Жентра” русумли автомашинага ўтиради. Автомашинада ундан ташқари яна 3 нафар йўловчи бор эди. У автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғига ўтиради.

12 февраль куни соат 08:00 лар атрофида ҳайдовчи автомашинасига ёқилғи қуйиб олиш мақсадида Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳудудидаги газ қуйиш шахобчасига киради. Шу пайт автомашина олдига бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келиб, ўзларини Зангиота тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими тезкор ходими деб таништириб, унинг ички кийимидан “Андрей”нинг буюртмасига кўра олиб кетаётган кўп миқдордаги гашиш гиёҳванд моддасини аниқлашади.

Зоҳир жиноятига яраша жазо олди. Энди у умрининг 7 йилини темир панжара ортида ўтказади.

А.ХОНКЕЛДИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди судьяси.

► *Мутахассислар маслаҳати*

Узумдан мўл ҳосил оламан деган одам уни тўғри парваришлашни, зараркунандаларга қарши вақтида курашиш чораларини ҳам билиши керак. Қуйида узумга чанг солиши мумкин бўлган касалликлардан бирига тўхталиб ўтамиз.

ТОКЛАР ПАРВАРИШИ

Доғли антракноз (қора сон). Бу замбуруғли касаллик токнинг барча яшил аъзоларини зарарлайди. Баргларда қўнғир доғлар пайдо бўлади, новданинг пўсти ва ўзи ёрилади, қийшаяди, мўртлашади, бутунлай қуриб қолиши ҳам мумкин. Узум шакли бузилади ва ёрилиб кетади. Бу касаллик баҳор серёғин келганда жуда ривожланади.



Кураш чоралари. Касалликка қарши курашишда агротехник чоралар профилактик характерга эга. Калий ўғитини кўпроқ бериш керак, шунда ўсимликнинг касалликка чидамлилиги ошади. Кузда ток кесишда зарарланган новдалар ёқиб юборилади. Қатор оралари тупроқ қатламини ағдариб чуқур чопиш зарур, бегона ўтлар босишига йўл қўймаслик керак. Антракноз билан зарарланган токлар, кузда кўмишдан олдин 3 фоизли бордо суюқлиги (10 литр сувга 300 г. мис купороси ва 300 г. оҳак) билан барча занг ва новдалари ювиш даражасида пуркалади. 5 даражали оҳак олтингугурт қайнатмаси ҳам самаралидир. Баҳорда, ўтган мавсумда зараланган токлар куртак чиқариши биланоқ 1 фоизли бордо суюқлиги (10 сувга 100 г. мис купороси ва 100 г. оҳак) билан пуркалади. Бу даврда оҳак олтингугурт қайнатмасини (ИСО) 1 даражалигини қўлласа ҳам бўлади. Топсин (10 литр сувга 10 гр.) ёки Вектра (10 литр сувга 3 гр.) препаратлари ҳам самаралидир. 10-12 кун ўтгач дори қайта пуркалади. Томорқада ҳам куртак ёзила бошлаганда 1%-БС сепилади. (10 литр сувга 100 гр. мис купороси ва 100 гр. оҳак) 7-10 кун ўтгач такрорланади.

Касалликнинг олдини олиш ва ҳимоя чоралари. Мавсумда шўра хомток, ғўра хомток, чилла чиққандан сўнг новдаларни чеканка қилиб қисқартириш, узум бошларини соялаб турган баргларини олиб ташлаш зарур. Бу тадбирлар билан бир қаторда токзорларга олтингугурт билан ишлов бериш яхши самара беради. Токзорларнинг ёшига ва қалинлигига қараб, 1м² га 250-300 г. олтингугурт сепилади. Олтингугурт кукунини чанглатиш имкони бўлмаса, биринчи ишлов муддатида намланувчи олтингугурт (120-150 г.) ёки Вектра ё Фоликур (10 л. сувга 3 г.)ни қўлласа ҳам бўлади.

Ж.ГУЛМЕТОВ,
Р.РИСКАЛИЕВ,
А.БАЛТАБАЕВА,
Д.СОДИҚОВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси Келес темир йўл ЎКЧМ инспекторлари.

ISTIQBOL

2025-yil 8-avgust / Juma / № 31 (6183)

Кунглим талтиладиган маскан









1970 йилнинг сентябрь ойида туман Маданият маркази тасарруфида марказий ва болалар кутубхоналари ташкил этилди. Дастлаб уларнинг китоб фонди 4000 дона бўлган. Бугун фахр билан тилга олаётганим узоқ йиллик фаолиятимни айнан ўша даврларда бошлаганман. 1980 йилга келиб ушбу кутубхона марказлашган кутубхоналар тизимига ўтган ва тумандан олис ҳудудларда унинг филиаллари ташкил этилган. Жами марказий ва болалар кутубхонаси туман марказида ҳамда унинг 47 та филиал кутубхоналари 2006 йилгача туман аҳолисига хизмат кўрсатиб, маънавий озуқа улашиб келган.

2006 йилги ҳукумат қарорига асосан, ушбу кутубхоналар таълим муассасалари (туман Тиббиёт ва Агросервис коллежи, халқ таълими бўлими) тасарруфига ўтди ҳамда оммавий кутубхона сифатидаги вазифасини ўташдан тўхтаб қолди. Сабаби таълим муассасаларига аҳоли киритилмас эди.

Аммо, ўн уч йил мобайнида марказий кутубхона туман марказидаги аввалги жойида сақлаб қолинишига эришилиб, туман аҳолисига доимгидек хизмат кўрсатишни давом эттирди. (Кўп жойларда бундай кутубхоналар йўқ бўлиб кетган эди). Аммо бу кутубхона туман марказидаги дорихонанинг омборхонасида, мослашган тарзда фаолият юритар эди. Деярли янги китоблар билан фондни тўлдириш буткул тўхтаб қолган эди. Вазиятдан, шароитдан қатъий назар устозларимнинг яхши кўрган ишига фидойилик, касбга садоқат бобидаги ўгитларини чин дилдан ҳис қилиб, уларга амал қилиш менинг ҳар қадамдаги шиорим эди. Шу ўринда менга ана шу фидойиликдан сабоқ берган устозларим Раъно Воҳидова (биринчи устозим), Абдураҳмон Асилов, Азим Нишонов, Дилбар Жўраевани алоҳида меҳр билан эслайман.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг аҳолини китобхонликка жалб қилиш, мутолаа маданиятини ўстириш, ёшларни китобхон қилиб тарбиялаш ва Республикада кутубхона ишини ривожлантириш, сифатли китоблар чоп этилишига қаратилган, 2019 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 4354-сонли Қарори туманимиз аҳолиси ва кутубхона ходимлари учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Сабаби, 2006 йилдан 2019 йилгача туман кутубхоналари таълим муассасалари тасарруфига ўтказилиб, аҳолидан узилиб қолган ва асосий вазифасини бажармай қолган эди.

Қарордан сўнг кутубхоналар иши жонланди. Туман ҳокимлигининг эътибори ва мададди билан йигирма минглик китоб фонди билан туман марказида қурилган муҳташам Маданият саройи биносига кўчиб ўтдик ва бу ерда ахборот-кутубхона маркази сифатида фаолият юрита бошладик.

2020 йилнинг 22 январь куни АКМнинг расман очилиши маросими анъанага содиқ қолган ҳолда китоб марафони ва ижодкорлар билан учрашув тарзида ўтказилди.

Маросимда сенатор, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори ўринбосари Насиба Холдорова, «Турон» вилоят кутубхонасининг собиқ раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Вазира Сабирова, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоирлар Ботиржон Эргашев, Зоҳиджон Олов, шоиралар Адиба Умирова, С.Меҳмонова, Озарбайжон маданият маркази ходими Кифоятхонимлар туман аҳолиси ва ёшлари билан учрашдилар.

Марофонда кутубхона фонди яна мингга яқин янги бадиий адабиётлар билан бойитилиб, ҳозирги кунда жами китоб фондимиз 40 мингдан зиёдни ташкил этади. 2019 йил июнь ойига қадар марказий кутубхонадан 700 нафар китобхон фойдаланган бўлса, Президент томонидан қабул қилинган муҳим қарор, ҳокимлик томонидан яратилган шарт-шароитлар, шакллантирилган янги китоб фонди сабабли ахборот- кутубхона марказининг китобхонлари сони кескин ошиб, ҳозирга келиб 12 минг нафарга етди.

Ахборот-кутубхона маркази негизида туман аҳолисининг барча қатламини қамраб олиш, аҳоли орасида адабий муҳитни шакллантириш, уларда мутолаа маданиятини ўстириш ва китоб ўқишга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодда адабий иммунитетни юксалтириш мақсадида туман марказидан олис МФЙларда, ташкилот ва корхоналарда 42 та кўчма кутубхоналар ташкил этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар мактабгача таълим муассасаси, Махсус авария тиклаш бошқармасига қарашли ҳарбий қисм, Самарқанд зооветеренария институтининг Тошкент вилояти филиаллари билан ҳамкорлик шартномаси асосида фаолият олиб борилмоқда. Бундан ташқари “Меҳр кутубхонаси” лойиҳаси доирасида икки юздан зиёд қариялар, ижтимоий ҳимояга мухтож, ногиронлиги бор ҳамда кўзи ожиз фуқароларга китоб элтувчилик хизмати йўлга қўйилган.

2019 йилнинг июль ойида туман ҳокимлиги ва ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида туман миқёсида икки маротаба "Бизни китобхонлик бирлаштиради", "Комиллик китобхонликдан бошланади" шиори остида китоб марафони, ижодкорлар билан учрашув тарзида, китоб дўконлари ва нашриётлар жалб қилинган ҳолда ўтказилганлиги, бу марафонда бош ҳомий туман ҳокимлиги бўлганлиги, турли ташкилот, корхона хамда тадбиркорлар фаол иштирок этганлиги, натижада кутубхонага 3544 дона янги чоп этилган бадиий адабиётлар, 7 дона замонавий компьютер жамланмаси, 2 дона 3/1 нусха кўчириш аппарати, 3 дона кондиционер, 80 дона янги китоб жавони, 80 дона ўқув зали учун стол-стул, кабинет жиҳози совга қилинганлиги сўзимизнинг исботидир.

Республикамизда 2020 йилда пандемия туфайли карантин эълон қилинган кундан бошлаб ахборот-кутубхона маркази кўпгина маданий-маърифий муассасалар қаторида ўзининг китобхонлари билан Телеграм t.me/zangiota_akm, Facebook www.instagram.com/zangiota_akm, инстаграм www.instagram.com/zangiota_akm, YouTube Зангиота ахборот-кутубхона маркази, www.zangiotaakm.zn.uz, Твиттер @ЗангиотаАКМтармоқларида расмий каналларини яратиб онлайн ишлаш тартибига ўтди ҳамда китобларнинг электрон шаклини ва онлайн тадбирларни ўзининг китобхонларига ҳавола этиб борди.

2021 йилда Тошкент вилоятида биринчилардан бўлиб АКМнинг шахсий веб-сайти яратилди. Мунтазам равишда “Мен севиб ўқиган китоб”, “Мени ўзгартирган китоб”, “Китобнинг менинг ҳаётимда тутган ўрни”, “Китоб менинг тақдиримда” мавзуларида туман аҳолиси, айниқса ёшлар орасида сўровномалар, сўнгги йилларда китобхонлар орасида «бестселлер» (энг кўп ўқиладиган) китоблар муаллифлари билан учрашувлар ўтказиш йўлга қўйилган. Инновацион технологияларни амалда тадбиқ этиш мақсадида АКМда маълумотлар базасини яратиш, электрон каталог тузиш, электрон ҳисобот юритиш устида иш олиб борилмоқда.

2020-2025 йилларда АКМ раҳбарлигида “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Зукко китобхон”, “Намунали оила кутубхонаси”, “Энг китобхон мактаб”, “Фахрий китобхон” кўрик- танловлари ўтказилди. Бу каби амалга оширилаётган ишларнинг кўлами жуда катта.

Айни кунларда “Долзарб 90 кунлик” доирасида мактабларда китоб кўргазмалари, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқдамиз.

Сурайё АҲМЕДОВА,
туман Ахборот- кутубхона маркази раҳбари.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Табиий минерал тури
Космик тош
"... кўзда"
Суюқ ун оши
Оққа мойил
Бир кишилик каравот
Япроқ
... Бакирова (актриса)
Қопқора
Ланж, беҳол
Асаб доктори
Оғриқни англатувчи сўз
Дорбоз
Францияда ги шаҳар
"Қўйнини ... ёнғоққа тўлдирди"
Ирина (қисқартма)
Грекча зичлик ҳарфи
Ҳибсга олиш учун рухсатнома
Керосинли рўзғор иситкичи
Эрондаги қадимий шаҳар
"Меҳмоннинг иззати - ... кун"
"Қ" ҳарфи номи
Буви (шева)
Йигитлар исми
Ирсият ҳужайраси
Йўлбошчи
Волида
"...инг тошдан бўлсин, болам!"
Туртки, мушт
Ўгит, насиҳат
... Давидс (футб.)
Қадимги Эрон шоҳи
Катта омбор
Қизлар исми
Клавишли чолғу асбоби
Дақиқа, вақт
Ибо, ҳаё
"У ким? ... нима?"
Иш (тожикча)
Ақлли, оқил
Тоқатсиз
Пардоз учун ўсимлик
Асарнинг кульминацион нуқтаси
Яман пойтахти
Бўй, ҳид
"Олий ..." (Парламент)
Беодоб, тарбиясиз
Мол озуқаси
Олис, узоқ
Шафтоли нави
Безгак
Китоб ўқишни ... қилмайди
Тўкис, тўлиқ
Умр йўлдош, эр
Юк автоси
"Мантиқ ут-..." (асар)
Маърузачи
Фоя, янги фикр (русча)
Биомайдон
Афсонавий қуш
Қора (шеърий)
Бокс майдони
Гонконг футболчиси
Ошиқнинг ютуқли томони
Сальвадор ... (рассом)
Қонхўр ҳашарот
Шифтнинг вассали қисми
Ясси



СЕРМАҲСУЛ ИЖОД СОҲИБИ, МОҲИР ХАТТОТ ЭДИ

Болалиги. Садр Зиё 1865 йили 24 февраль куни Бухоронинг Зиёвуддин туманида туғилган. Бу пайтда отаси Абдурасул ўғли Абдушукур (1817–1889) ушбу туман қозиси бўлиб, ўз даврининг илғор зиёлиларидан ҳисобланган. Амир Насруллохон (1825–1860) даврида Абдушукур мадрасасини тугатиб, Бухоро шаҳридаги Араб Авазбой, Бозори Гўсфанд, Мулла Эрназар, Мискин, Муҳаммад Шариф ва Турсунжон каби мадрасаларда мударрислик қилган. Тахтга чиқиш маросими Самарқанд Кўксаройида ўтказилган сўнгги ўзбек ҳукмдори – амир Музаффар (1860–1888) ҳокимият тепасига келгач, Абдушукурни қозилик лавозимига тайинлайди ва у Чоржўй, Зиёвуддин ва Қоракўлда қозилик қилади. 1879 йили қозикалон этиб тайинланади ва умрининг охиригача (1889 йилгача) шу лавозимда фаолият кўрсатади. Абдушукур “Оят” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Хаттотлик билан шуғулланиб, Абдураҳмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” маснавийсини кўчирган. Шу билан бирга, катта кутубхона ташкил этган ва унда кўплаб нодир асарлар сақлаган. Ушбу кутубхона кейинчалик Садр Зиёга мерос бўлиб ўтган. Абдушукурдаги иқтидор фарзандларига ҳам ўтган бўлиб, ўғиллари ҳам узоқ йиллар амирликнинг турли ҳудудларида қозилик лавозимларида фаолият кўрсатганлар.

Маълумоти. Садр Зиёнинг отаси фарзандидаги илм олишга иштиёқ ва тиришқоқликни кўриб, ўзи унинг хат-саводини чиқарган. Садр Зиё дастлаб мактаб, сўнгра мадрасада таҳсил олган.

Фаолияти. Садр Зиё 1893 йил май ойида амир Саййид Абдулаҳад (1885–1910) томонидан саройга чақирилган ва Хайробод (ҳозирги Жондор) туманига қози этиб тайинланган. Хайрободда олти ой қозилик қилгач, 1893 йилнинг октябридан Янгиқўрғон беклигида қозилик қила бошлайди. Бу вақтда Янгиқўрғон раиси (муҳтасиби) Ҳожи Абдулазим Шаръий бўлиб, Бухоро илмий-адабий муҳитида муҳим ўрин тутган зиёлилардан эди. У Ҳиндистонда олий таълим олган. Тарих, луғатшунослик ва таржима ишларини жуда яхши билган. Садр Зиё Ҳожи Абдулазим Шаръий билан бирга 19 ой фаолият олиб борган ва ундан тарихий китоблар ёзиш, таржима қилиш ва луғат тартиб бериш сирларини ўрганган.

Садр Зиё 1895 йил сентябрда амир Абдулаҳад томонидан Хутфарга (ҳозирги Пешкў) қози этиб тайинлангач, ўз ваколати доирасида тумандаги қўриқ ва бўз ерларга сув чиқартириб, аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланиши учун имконият яратиб беради. 1897 йил февралда амирнинг фармонига биноан Хатирчи беклиги, 1902 йил майда Карки беклиги қозиси этиб тайинланади. Бекликларда деҳқончилик, таълим, вақф мулклари билан боғлиқ масалалар ва фуқаролик ишларини тартибга солади.

1905 йилнинг августида Садр Зиё Комот (ҳозирги Вобкент) тумани қозиси этиб тайинланади. “Кундалиги”да ёзишича, ўша пайтда бу туман амирлик иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган бўлиб, мазкур теграда бой савдогарлар истиқомат қилганлар. Садр Зиё Комот тумани ҳудудидаги “Ҳазрат Бузург” деб аталувчи ёғоч кўприкни тошдан қайта қуриш ташаббуси билан чиқади ва унинг тавсиясига кўра, иншоот қурилишида қамоқда сақланаётган 100 дан ортиқ киши меҳнатидан фойдаланилади. Иш жараёнида қўриқчилар билан жанжал чиқариб, тутқунларнинг барчаси қочиб кетади. Садр Зиё улардан учтасини ушлаб келтиришга муваффақ бўлади. Бу воқеадан сўнг у 1906 йилнинг январида эгаллаб турган лавозимидан бўшатилади.

Садр Зиё 1906 йил ноябрда иккинчи бор Хутфар тумани, 1909 йил февралда Шаҳрисабз беклиги, 1910 йилнинг январида эса Насаф беклиги қозилигига ўтказилади. Шу йили Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган суннийлар ва шиалар ўртасидаги тўқнашувлар таъсирида Насафда икки мазҳаб вакиллари ўртасида содир бўлган қарама-қаршиликлар Садр Зиёнинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ тўхтатилади.

1912 йил август ойида амир Олимхон (1910–1920) томонидан Ғиждувон туманига қози этиб тайинланган Садр Зиё ишни қозихона қурдиришдан бошлайди. Фаолияти даврида Абдулхолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи ҳудудини кенгайтириб, зиёратчиларнинг ибодат қилишлари учун шароит яратиб беради.

(Давоми бор.)

Jadidlar.uz сайтидан олинди.

► *Маҳалла ҳаёти*

БИРДАМЛИКНИНГ ШАРОФАТИ

“Навбаҳор” маҳалласига борсангиз, бу ерлик аҳолининг ҳамжиҳатлигига хавас қилмасдан қолмайсиз. Нега дейсизми, улар “бу ишни ким қилиб берар экан?” деб қул қовуштириб ўтиришмайди, шартта ҳашарни бошлаб юборишади.



Бу сафар ҳам шундай бўлди. Йўлларни асфальтлашга киришишди. Ишлар жадал бошланди. Хашпаш дегунча навбат бешинчи ва олтинчи кўчалар, яъни М.Бехбудий-2 ва “Маданият-1” кўчаларига ҳам етиб келди.

Аҳолининг бошини қовуштириб, ҳашарга чорлаган маҳалла раиси Т.Файзиевнинг ҳаракатига гап йўқ.

– Халқимизда ”боғ яратсанг, кўприк қурсанг, йўл очсанг, келажакда яхши ном қолдирасан" деган нақл бор, – дейди маҳалла аҳли. – Бундай савоб ишни ҳар биримиз вақтни ўтказмай қилиб олишимиз керак. Ҳеч бўлмаса аҳолининг бошини қовуштириб, ҳашарга чорлаб туриш ҳам катта гап.



Шундай қилиб, “Навбаҳор” номига яраша чирой очмоқда. Бу ҳам бўлса бирдамликнинг шарофатидан.

Ж.АМИРОВА.

► *Огоҳ бўлинг!*

АВТОМОБИЛЛАР, ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ СОЗ БЎЛСИН

Интернет хабарлари орқали ёқилғи қуйиш шахобчаларида, автомобилларда бўлган ёнғинлар ҳақида хабардор бўламиз. Бу жуда аянчли ҳолдир. Агар ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилганида бундай нохушликлар бўлмасди.



Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига нафақат уй ёки иш жойларимизда, балки шахсий ва жамоат транспортларида ҳам риоя қилишимиз зарурдир. Шахсий автомобилларнинг техник ҳолатларининг созлиги, агар ўрнатилган бўлса газ баллонларининг ҳолати, уларнинг созлигини доимо назорат қилиб туриш керак. Сабаби носоз техник ҳолат орқасидан ёнғин ва носоз газ баллонлар сабабли портлаш каби мудхиш ҳолатлар содир бўлиши мумкин.

Узоққа бормайлик, Қашқадарё вилояти Кўкдала туманида газ қуйиш шахобчасида кучли портлаш кузатилган ва олов баландлиги ўнлаб метрга кўтарилган.

Бу каби ҳолатлар бўлмаслиги учун ҳайдовчилар автомашиналарини доим соз ҳолатда бошқаришлари, ёқилги қуйиш шахобчасига кирганда йўловчиларни албатта туширишлари ва ёқилги қуйиш жойида автомобилларининг оралиқ масофасини сақлашлари, тамаки чекмасликлари шарт.

Ҳамиша ҳушёр бўлиб, амалдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилгандагина нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Ж.ҲАМРОЕВ,
туман ФВБ П ва НБ инспектори.

Қўлларида дутори бор

ISTIQBOL
2025-yil 8-avgust / Juma / № 31 (6183)

► Истеъдод соҳибаси



Катта бир оилага келин бўлиб тушган Нигора Холхўжаева овсинлари орасида ажралиб турарди. Сабаби у ҳар куни эрталаб қўлида дутор солинган идишни кўтарганча ишига йўл оларди. Чунки мусиқа мактабида уни иқтидорли шогирдлари кутаётган бўларди. Ҳаракатчан аёл устозлик борасидаги ишини ҳам, катта оиладаги уй юмушларини ҳам кўнгилдагидек бажариб, қайнонасининг олқишини оларди. Маҳалла онахонлари йиғилиб қолишса, дутор Нигоранинг қўлида сайрай бошларди. Бундан қайнонасининг борлиғини фахрланиш туйғуси чулғаса, бошқалар ҳавасланиб боқишарди.

Шу тариқа йиллар ўтди. Санъат соҳасини танлаган Нигора юксакларга парвоз қилди, ўнлаб шогирдлар етиштирди.

Бугунги кунда ҳам Нигора тиниб-тинчимасдан, ижоднинг ортидан қувишда давом этмоқда. У Ўзбекистон Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси аъзоси, тарғибот гуруҳи директори, санъатшунос, туман маънавият тарғиботчилари гуруҳи аъзоси сифатида иқтидорли ўқувчи ёшлар билан ишлашда давом этмоқда. Нигоранинг, айниқса, Тожикистон Республикаси ижодкорлари билан ижодий ҳамкорлиги таҳсинга сазовордир.

"Дўстлик қўшиғи" айнан ана шу ҳамкорлик асосида яратилган бўлиб, муаллиф ва ижрочилари Тожикистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари, бастакорлар Оловуддин ва Ҳилолиддин Шамсиевлар. Бу қўшиқ азал-азалдан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаб келган икки халқнинг дўстлиги тараннумидир. Қўшиқ 30 июнь – Халқлар дўстлиги кунида баланд парвоз қилиб, юракларни тоғ қадар тўлқинлантириб юборди.

Ж.АМИРОВА.

► *"Долзарб 90 кун"*

"ТУРОН" МАКТАБ ТЕАТРИ ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтган ўқув йилида ташкил этилган "Турон" мактаб театр танлови иқтидорларни саралашда, юзага чиқишида яна бир восита бўлди.



Мазкур танлов сабабли олис ҳудудларда кичик театр жамоалари шаклланди. Ўтган йили танловда 28 та театр жамоалари иштирок этган бўлса, жорий йилда 35 та мактаб ўқувчиларидан иборат жамоалар қатнашди.

Танловнинг ҳудудий саралаш босқичлари 1-5 август кунлари ўтказилди. Унда тумандаги 35 та жамоа иштирок этиб, у ўзига 350 дан ортиқ ўқувчиларни қамраб олди.

Саралаш босқичида 44, 14, 37, 40-умумтаълим мактаблари ғолибликни қўлга киритиб, туман босқичига йўлланма олишди.

Дилбар ИНАҒОМОВА,
туман ММТБ шўъба мудири.

► Ўтмиш хотиралари

Сизни соғиндим, ОНАЖОН!



Онажоним, мунисам, яна Сизни соғиндим. Болам, деб эркалаган қўлларингизни, меҳр тўла кўзларингизни, ширин сўзларингизни соғиндим. Хаёллар баъзан узоқ-узоқларга олиб қочади суйган болангизни. Ҳаётлигингизда қадр-қимматингизни жойига қўя олдимми? Шусиз ҳам ўксик қалбингизга озор бермадимми? Бу саволлар адоқсиз. Сиз доимо биз билан бирга бўласиз деб ўйлабман. Энди билсак ўлим ҳақ экан. Сиз суйган, эркалаган, данагидан мағзи ширин дея бошини силаган набираларингиз улғайишди, ўғил-қизли бўлишди.

Киши армонсиз бўлмайди, дер эдингиз. Ота бўлдим, энди бобоман. Ўйласам, Сизга яхшиликлар қилишга фурсатим етмабди. Афсус-надоматдан не фойда энди. Аммо бир илинж юрагимга тасалли беради. Нон-тузингизни, оқ сутингизни оз бўлса-да, оқлаганимдан бошим осмонда. Сиздай азиз аёлнинг зурриёди бўлганимдан ғуруримнинг чеки йўқ.

Ҳеч кимни Она қилиб яратмасин, дер эдингиз. Оналар болалари учун ҳар нарсага тайёр, уларга на ўт, на ўлим бас кела олади.

Бир воқеани бот-бот эслайман. Қўшнимиз Ойтўра хола айтар эдилар:"Болам, Сен онангнинг олдида қарздорсан. Бояқиш сени катта қиламан деб адойи тамом бўлган". Бу гапларни эшитиб юрагимнинг туб-тубидан оғриқ туради. Наҳот онажоним кўнглини ололмадим. Онанинг фарзандларини вояга етказишдаги қийинчиликларини сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Дўхтирлар:"Боланг кўр бўлиб қолади", деганларида волидаи меҳрибоним хушларидан кетаёзган эканлар. Кўзимдан бўғма бўлган эканман. Онажоним эса дўхтирлар боламнинг жонини қийнашади, деб мени яширган эканлар. Шунчалик содда эдингизми, Онажон! Йўқ, ҳаммаси жойига тушибди. Яна ёруғ дунёни кўра бошлабман. Аммо палатада мен билан ётган боланинг кўзи очилмаган экан. Онам бу ҳақда кўп афсусланиб гапирардилар.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, қорнимиз тўқ, эгнимиз бут, ўғил-қизларимиз ҳеч кимдан кам эмаслар, яхши-яхши тўйлар қиляпмиз. Ҳаёт бўлганингизда ҳозир 100 ёшга тўлардингиз. Илоё, жойингиз жаннатда бўлсин.

ОЛТИН ҚАНОТИМ

Инсондаги барча гўзаллик она меҳридандир. Дунёда онадан улуғ, мўътабар зот йўқ. Лекин биз учун яна бир қадрдон инсон борки, бу – отадир. Зероки, биз ёруғ дунёга келишимизга бир восита бўлган волидаларимиз каби падари бузрукворларимиз ҳам азиздирлар.

Халқимиз орасида "Ота-она – олтин қанот", деган нақл бор. Отага сифатлар беришганда буюк, мададкор, мураббий дейишган. Она каби отани ҳам умрбод эъзозлаш, ҳамдарду ҳамнафас деб билиш кераклиги уқтирилган.

Болаликнинг қайтмас онлари йиллар ўтгани сайин бот-бот ёдингга тушаверар экан. Мен отамдан эрта ажрадим. Отам Қурбон Ботирбек ўғли саводли бўлмасалар-да, кўп ҳалим, содда, меҳнаткаш одам эдилар. Бировнинг ҳаққидан хазар қилардилар, фарзандларига ҳалол луқмани тутишни афзал деб билардилар. Қурувчилик касблари билан одамлар меҳр-эътиборини қозонганликларини айтардилар онам. Таътил пайтларида акаларимни ҳам ўзлари билан ишга олиб кетганликларини эслайман. Бу билан ўғилларини ҳунарли қилмоқчи, катта ҳаётга тайёрламоқчи бўлган бўлсалар керак. Ҳарқалай урушдан кейинги оғир давр катта-ю кичикни бирдек тиним билмай меҳнат қилишга мажбур этган экан энди билсам.

Муроджон БОТИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ISTIQBOL
Muassis: Zangiota tumani hokimligi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi
Dilbar SHARIPOVA

Tahririyat manzili: Eshonguzar qo‘rg‘oni, tuman hokimligi binosi.
Telefon: 70-97-53-286.

Gazeta haftaning juma kuni chiqadi.
Hajmi 2 taboq, qog‘oz bichimi A3.
Ofset usulida bosildi. Bahosi erkin narxda.

Bosishga topshirish vaqti: 12.00
Bosishga topshirildi: 12.00
1 2 3 4 5 6

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Navbatchi: Jamila ARSLONOVA

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012 yil 24 iyulda 03-015 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Nashr indeksi: 64895

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Toshkent shahri, “Buyuk Turon” ko‘chasi, 41. Adadi – 2850. Buyurtma № G-814.

ISSN 2181-61820